# ОМОНЛИК ЙЎЛИ

**(Давоми. Боши биринчи бетда).**

юзасидан хом ашё етказиб бермаслик ҳоллари ортиб бормоқда, озиқ-овқат заҳиралари хатарли даражада камайди, давлат савдосида молларнинг етишмаслиги тобора кўпроқ сезилмоқда. Қурилишдаги ишларнинг пасайиши, айниқса, аламлидир.

Буларнинг ҳаммаси, деб таъкидлади ҳукумат бошлиғи, табиий офатнинг натижалари эмас, балки қонуний жараён — аввалги иқтисодий сиёсатимизнинг оқибатидир. Биз йўлни ўзгартиришда кечикиб қолдик, ислоҳотларни ўтказишда ҳозир ҳам кечикаяпмиз.

Баъзан, ўтган ойларга қайрилиб қараганда, ана шундай шароитда мамлакат қандай қилиб омон қолганини тушуниб бўлмайди, деб тан олди Бош вазир. Ҳатто нон ҳам етишмас, базавий тармоқлар таназзул ёқасига келиб қолган эди. Мана энди шу салбий жараёнларни тўхтатишга асосан муваффақ бўлинди. Мол заҳиралари кўпая бошлади, май ойида уларнинг ҳажми 10 миллиард сўмлик миқдорда ошди.

Йилнинг иккинчи ярми қандай бўлиши хусусида Кремлда қандай фикрлар айтилмоқда? Ҳукумат чет эллардан мол олиш ҳажмини анча кўпайтиришни режалаштириш билан бирга иқтисодиётда бир мунча жонланишга эришишга умид қилмоқда. Натижада мамлакат ўртача статистик ишлаб чиқариш соҳасида 1990 йил даражасига чиқиб олиши мумкин.

Ҳосилни ўриб-йиғиб олиш ҳозирги энг муҳим муаммодир. Бош вазир мамлакатнинг донга, бошқа энг муҳим деҳқончилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондириш истиқболлари ҳақида батафсил гапириб, ўтган йили йўл қўйилган нобудгарчиликларнинг аччиқ тажрибаси такрорланмаслиги учун имкони бўлган ҳамма чора-тадбирларни кўриш кераклигини таъкидлади. Жаҳон бозорида деҳқончилик маҳсулотларининг нархлари кўтарила бошлади. Ҳозирнинг ўзидаёқ у ерда бизни кутмоқдалар. Доимо дон сотиб олишга валюта сарфлайвериш ярамайди-ку, ахир.

Енгил саноатдаги вазият муфассал таҳлил этиб чиқилди. Бу соҳанинг тармоқлари чет эллардан мол олишга қарамликдан ташқари ўзимиздаги келишмовчиликлардан, ҳар бир кимса фақат ўз манфаатларини кўзлаб, ички чеклашлар ва тўсиқлар қўяётганлиги жабрини тортмоқда.

Қишга тайёргарлик ҳам жуда муҳим масала бўлиб турибди. Мамлакат энергетика хом ашёсига бўлган ўртача эҳтиёжларни таъминлаб қўйди. Бироқ, обҳавони ўрганувчи мутахассисларнинг тахминича, илиқ қишлар палласи ниҳоясига етмоқда. Бундан чиқадиган хулоса шуки, ёқилғи-энергетика соҳасини бошқариш бир қўлда қолиши керак, чунки биронта жумҳурият ўз эҳтиёжларини мустақил равишда қондиришга қодир эмас.

Молиявий соҳадаги аҳвол ҳали ҳам жуда ўткир бўлиб турибди. Бизнинг ҳамма ноиттифоқликларимиз ва тартибсизликларимиз айни шу соҳада яққол кўзга ташланмоқда, деб ҳисоблайди ҳукумат бошлиғи, бу, аввало, марказ билан жумҳуриятлар ўртасидаги иқтисодий битимларни бажармаслик натижасидир.

Ҳўш, бу аҳволни қандай бартараф этса бўлади? Ижтимоий дастурларни қисқартириш — бизнинг йўлимиз эмас. Битта йўл қолади: ишлаб чиқаришни кўпайтирмоқ керак. Нарх белгилаш соҳасидаги энг оғир босқичдан ўтдик, деди В. С. Павлов. Энди нархларга эркин тус бериш, яъни бозор муносабатларига ўтиш масаласи навбат кутиб турибди.

Башарти, биз иқтисодий битимларни бундан буён ҳам бажармайдиган бўлсак, янги пул чиқариш 150 миллиард сўмга етиши мумкин, деб огоҳлантирди СССР Бош вазирининг биринчи ўринбосари В. И. Шчербаков. Айни вақтда жумҳуриятларнинг ва вилоятларнинг эркин пуллари янги ва янги дастурларга саҳийлик билан сарфланмоқда. Арзон обрў орттириш учун шундай қилинмоқда. Иш ҳақини ким кўпроқ ошириши, иш вақтини сезиларли қисқартириш учун мусобақалашиш пулнинг баттар қадрсизланишига олиб боради.

Ҳозирги вазият бамисоли юпқа муз устида тургандек. Эҳтиётсизлик билан қўйилган ҳар бир қадам уни синдириб юбориши мумкин. Бош вазирнинг биринчи ўринбосари масалани кўндаланг қилиб қўйди: тангликка қарши дастур қонунми ёки тавсиями? Агар қонун бўлса, у ҳолда белгиланган ҳамма режалар оғишмай бажарилиши керак.

Кенгашда авж олиб кетган ўткир мунозара бу қонунни оғишмай амалга ошириш осон иш эмаслигини кўрсатди. Нутқларда биргаликда ишлаб чиқилган ҳужжатларни амалга оширишда турли жумҳуриятларнинг ёндашуви ҳар хил эканлиги намоён бўлди. Баъзиларнинг назарида бозор муносабатларига ўтиш — марказнинг ҳукмини маҳаллий ҳукм билан алмаштиришдан иборат бўлса, бошқалар илк шароитлар тенг эмаслигини кўрсатиб, хом ашё нархини оширамиз, деб дўқ қилмоқдалар, учинчилар эса замон улоқтириб ташлаган буйруқбозлик тизимининг айрим қоидаларига қайтишни талаб қилмоқдалар. Ёндашувлардаги номунофиқлик шу йилнинг охиригачаёқ шунчалик кўп янги пулни талаб қиладики, Давлат банкининг дастгоҳлари, ҳатто фараз қилаётганларидек, 200 ва ҳатто 500 сўмлик пуллар бозорга чиқарилган тақдирда ҳам, шунча янги пулни босиб беришга улгура олмайди. Ҳар ҳолда мамлакатни жарга итариб юбориш хавфини туғдираётган зиддиятларни бартараф этиш зарур, деган фикрга ҳозир ҳамма қўшилмоқда.

Муҳокамани М. С. Горбачев якунлади. Биз биронбир иш ҳақида келишиб олаётганимизда, деди у, иқтисодиёт бизни зўр қатъият билан бир бутун қилиб боғлаб турганига асосланиб иш тутамиз. Иқтисодиёт тақозоси шундайки, ҳеч ким тангликдан якка-ёлғиз чиқолмайди. Асосий фикрни яна бир бор такрорлайман: фақат биргаликда ҳаракат қилиш керак, хом хаёлларга берилиш ярамайди.

Неча марталаб келишиб олиш керак, ахир? Модомики, ягона бозор зарур, деган фикрга келган эканмиз, у чинакамига ягона бўлиши керак. Гарчи барқарорлашиш нишоналари кўрина бошлаган бўлса ҳам, ҳозир масала қандай қилиб омон қоламиз, деган тарзда жуда ўткир бўлиб турибди. Биз жамиятда тотувликка, иқтисодиётни ва молиявий аҳволни соғломлаштиришга эришмас эканмиз, дунёда ҳеч ким биз билан ҳамкорлик қилмайди.

Лондонда мен: «9 плюс 1» битими амал қилаяптими, Иттифоқ шартномаси имзоланадими, модомики ҳамма ўзини мустақил деб эълон қилаётган экан, СССРда ким билан ҳамкорлик қилинади, деган саволларга жавоб қайтаришим керак бўлади. Бу саволларга, аввало, ўзимиз жавоб беришимиз керак.

Сўнгра СССР Президенти мунозарада тилга олинган аниқ-равшан масалаларга тўхталди. Озиқ-овқат — биринчи муаммо, деб таъкидлади у. Агар биз нархларнинг мутаносиблиги ҳақидаги масалани ҳал қилсак, деҳқончилик соҳасининг ходимлари билан гаплашишимиз осонроқ бўлади. Шу куннинг вазифаси етиштирилган жами ҳосилни ҳеч нобуд қилмасдан йиғиштириб олишдан, ҳамма озиқ-овқат корхоналарини ишга солиб юборишдан иборат. Буни барча жумҳуриятларнинг раҳбарлари назорат қилишлари керак. Бу соҳада қаттиқ марказлаштиришсиз иш қила олмаймиз. Ҳа, кўпгина равнақ топаётган иқтисодиётлар ҳам шу йўлдан бормоқда.

Шундан кейин молиявий аҳволни соғломлаштириш мавзуи кўтарилди. Бу соҳада биз ҳеч бир фикрга кела олмаяпмиз. Бугунги муҳокама ҳам буни яна бир бор кўрсатди. Ҳолбуки, мазкур масалада бир фикрга келинмаса, тангликка қарши дастур — бамисоли совун кўпигидир.

Бу ҳолда бозор ҳақида гапиришдан маъно чиқмайди. Шу сабабли келишиб олинган ишларни бажармоқ керак. Акс ҳолда бутун банк тизими устидан қаттиқ назоратни жорий этишга тўғри келади. Шахсан мен бунинг тарафдори эмасман.

Биз ўз бозоримизни, умумий иқтисодий маконимизни сақлаб қолишимиз мумкин ва лозим. Бутун дунё бизни шунга даъват этмоқда. У ердагилар биз ҳозир эга бўлган нарсаларга интилмоқдалар, сармоялар, моллар, хизматлар, ишчи кучи йўлидаги тўсиқни олиб ташламоқдалар. Аввалига қийинчиликни ўзимиз вужудга келтириб қўйиб, кейин уларга қарши ўзимиз курашмоғимиз ўринли бўлармикан?

Чинакам қатъийлик шошқалоқлик билан қадам қўйиш эмас, балки ягона бир тизимда ҳаракат қилишдир. Мен — Иттифоқ шартномаси руҳида ҳаракат қилиниши тарафдориман, жумҳуриятларнинг имкониятлари кенгайтирилиши тарафдориман. Товар ишлаб чиқарувчилар чинакам эркин бўлмас экан, ҳақиқий бозор бўлмайди. Мулкчилик ҳақидаги масалалар мажмуини тезроқ ҳал этиш кераклигининг боиси ҳам ана шу.

Охир-оқибатда ҳамма нарса тотувликка, бинобарин, Иттифоқ шартномасига бориб тақалади. Биз ягона ёндашувларни ишлаб чиқиш, бир муросага келиш учун кўп тер тўкдик. Агар биронбир кимса буни бузмоқчи бўлса — бунга қайси томон ҳаракат қилмасин — эришилган бирликни кўкрак кериб ҳимоя қилмоқ керак. Омон қолиш йўлидаги муштарак имкониятимиз мана шу, деб таъкидлади М. С. Горбачев.

**Б. ГРИШЧЕНКО,**
**Б. ШЕСТАКОВ.**
**ТАСС шарҳловчилари.**

# АСЛИМИЗНИ ҚАДРЛАЙЛИК

**(Давоми. Боши биринчи бетда).**

ларни тўкиб солади. Бу томони аъло. Бироқ, келганлар дастурхонимиздан миннатдор бўлсаларда, ховлиларимиз, яшаш тарзимиздан ранжишлари аниқ. Кўп жойларда уй-жойларни сақлаш, тартибга келтириш, тозалашга эътибор жуда суст. Ҳовли, уй саҳни, унинг атрофини тоза, обод тутишда баъзан қоқинамиз.

Ўрни келиб қолди, оила одоби ҳақида ташвишларимни айтмасам иложим йўқ. Қадимги маданият хазинасида Шарқ одоби алоҳида ўрин тутади. Одоб-ахлоқ шакллари хилма-хил, аммо маъно моҳияти битта — инсонийлик. Кичикнинг кексага ҳурмати, каттанинг кичикка муруввати, рафиқанинг оила бошлиғига эҳтироми, эрнинг жуфти ҳалолига илтифоти, меҳмон ва мезбон ўртасидаги муносабатлар... — ахлоқ-одоб қоидаларининг ҳад-ҳудуди йўқ. Аввалги вақтларда ўғиллар билан қизлар алоҳида ўқитилган. Илм йўллари билан бир қаторда тарбияга жуда катта эътибор берилган. Маданий инқилобни байроқ қилиб, энг табаррук мерос — одоб-ахлоқ тузукларини эскилик қолдиқлари дея парчалаб ташланди. Ваҳолонки, кўзимизга эски кўринган шакллар орасида мағзи тўқ уруғлар ҳам куйдириб ташланди. Етмиш йилдан ортиқ вақтдан бери янги турмуш учун кураш ғоясига берилиб асрлар давомида сайқалланиб келган ноёб қадриятларимизни бой бердик. Қадриятлар бузилиши билан биргаликда имон-эътиқодга путур етди.

Бугунги кунга келиб ҳаммамиз ёқамизни чангаллаймиз: нега кўча ва майдонларда, ҳатто жамоат гавжум жойлар — транспорт, кинохоналарда бемалол сўкинадиган, тамаки бурқситиб тўғри келган томонга пуфлайдиган ёшлар кўпайиб кетяпти. Ёш-ёш қизлар табиат берган чеҳраларига турли бўёқларни суртиб баданларини тобора очиқ кўрсатадиган кўйлаклар кийишмоқда. Кўр-кўрона ғарбча русумларга тақлид қилиш, бунга бепарво қараш маънавий қадриятлар топталишига сабаб бўлмаётганмикан?

Мен бир деҳқон фарзанди, қишлоқ зиёлиси сифатида аксар йўл ва кўча ёқаларида жойлашган мактаб майдончаларида эндигина вояга етаётган навниҳол қизларимизга таранг форма кийдириб, ўғил болалар билан аралаштириб югуртиришларига қўшилолмайман. Ахир муҳтарам биродарлар, ўтмишда алоҳида ўқитилган, одоб сабоғи олган қизлар кам бўлишмаган. Шоира-ю фозилаликда ном чиқаришган. Ҳеч бўлмаса ўз фарзандларига муносиб тарбия беришган. Аммо бу билан мен ўтмишни қўмсаётганим йўқ. Аксинча, замонавий педагогика илми тарбия соҳасида етилиб қолган муаммоларни ҳал этишда даврга мос ечимларни ҳали топа олмаётганини таъкидламоқчиман, халос.

Жумҳуриятда янгича талаблар асосида миллий мактаб яратиш йўлида дастлабки қадамлар қўйилаётганлигини тўла ёқлайман. Бинобарин, янги миллий мактабда еттинчи синфдан бошлабоқ рўзгор ва оила сабоғини бера бошлаш лозим, деб ҳисоблайман. Ота-онани, акани, турмушда эр ва қайнота-қайнонани ҳурматлаш, нон ёпиш, сигир соғиш, таом пишириш ва ҳоказо вазифаларни бирданига ўрганиб бўлмайди. Маънавий дунёси бой ва пок одамгина илмни маҳкам ушлаб, ўз соҳасида ихтиро ва кашфиётлар яратишга қодир.

Енгил-елпи турмуш ва меҳнатсиз сафоларга берилиш маънавиятни кемиради. Бу борада ҳаёсиз фильмлар, айниқса видео деб аталмиш фахш тасвирлар етилмаган бўғинларни сусайтириб, фарзандларни руҳан майибликка дучор қилмоқда. Биз шармсиз видеолар, одобга зид кўнгил очиш усулларини хўжалигимиз ҳудудига қўймадик, қўймаймиз ҳам.

Оилада, мактабда, маҳаллада, қариндошлар орасида ахлоқ-одоб сабоғини олмаган ўғил-қиз бўй етиб оила қуриш поғонасига борди дейлик. Марҳамат, ЗАГС бор, ариза ёзинг. У ёғига-чи, ниҳоятда қисқа «мен севаман, сен севасанми» қабилида савол-жавоб қилинади ва дарров ёш оила тузилади

қолади. Бўлажак эрнинг, рафиқа бўлмишнинг масъулияти, бурчлари ва ҳуқуқлари қаёқда қолди? Яна маънавий меросга мурожаат қилишга тўғри келади. Илгари никоҳ маросими мулла (албатта у киши маҳалла ёки қишлоқнинг энг ҳурматли одами), икки томондан гувоҳлар, вакил оталар, яқин қариндошлар иштирокида ўтказиб келинган. Инсон умрининг энг нозик, унутилмас бу дамлари ортиқча эҳтирослардан анча холи, масъулият туйғуси уйғонган жиддий бир шароитда ўтсин, дейман.

Ажралишлар, оила бузилишлари балоси ҳозир шаҳарлар, ҳатто қишлоқларимизга ҳам етиб келди. Албатта, хою-ҳавас туфайли қурилган оилалар кўпга бормаяпти: келинлар чеки йўқ ҳуқуқларни талаб қила бошлайдилар, оила масъулияти зиммасига маҳкам қўйилмаган куёв йигитлар ҳаётнинг дастлабки кунларидаёқ мағлубиятга учрайдилар. Охир-оқибат жамиятда ёш-ёш бева жувонлар кўпаймоқда. Тирик бевалар, тирик етимлар кўпайган юртда соғлом жамият қуриш мушкул. Биз ҳурматли кекса отахон ва онахонлардан ҳеч илож қолмай ажраган эркак ва аёлларни вақтида тенгини топишда ёрдамлашишларини сўраймиз. Қишлоқдаги ёш оилаларни моддий ва маънавий мустаҳкамлашда Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг томорқа ери бериш ҳақидаги тарихий Фармони қишлоқлардаги мана шу дардга бамисоли малҳам бўлиб тушди. Зеро, уч-тўрт келинлик ҳовлилардаги ноқулайлик барҳам топди. Бир парча ер олган оила энди ўз аравасини ўзи тортади. Мустақил турмушнинг ўзи уларни тарбиялайди.

Жамоа хўжалигимиз Президент фармонларини бажара бориб сўнгги икки йил ичида ерсиз оилаларга 500 гектар ерни томорқа қилиб тақсимлаб берди. Ажратилган ерларда уй солишга ҳам баҳоли қудрат ёрдам беряпмиз. Жумладан, хўжалик аъзолари ҳар мингтаси 100 сўмдан пишиқ ғишт (бозорда 250 сўм) билан таъминланмоқда. Ёшларни иш билан банд этиш йўлида қатор тадбирларни кўрмоқдамиз. Чунончи янги боғлар барпо қилинаётгани ҳам бекорга эмас ахир.

Ҳозирги вақтда яна бир қалтис таклиф пайдо бўлиб, унинг муаллифлари у ер-бу ердан, чекка-чеккадан бош кўтаришяпти. Уларнинг фикрича, колхоз ва совхозларнинг кераги йўқ эмиш, ерларни хусусий мулк сифатида бўлиб ташлаш истиқболли бўлармиш. Аввало, бу ғоя, таъкидлаб ўтиш керакки, бизнинг меҳнат фаолиятимизга зиддир. Қолаверса, ҳар бир қулоч жой ҳисобли бўлган Фарғонадай вилоятда буни амалга оширишни хаёлга ҳам келтирмаслик керак. Очиғи, бундай ҳаракат кўпорувчиликдан бошқа нарса эмас. Хўп, ерларни бўлиб бериб колхоз-совхозларни тугатдик ҳам дейлик, унда бутун сув ва суғориш тармоқлари, каналлар, сув омборлари, ариқ-зовурлар, дренаж тармоқларини ким бошқаради-ю, унинг тўловларини ким зиммасига олади. Жуда катта кучга эга бўлган техника комплекси кимнинг тасарруфига киради?

Йирик ва сертармоқ хўжалигимизда 21 минг аҳоли бор. Айни кунда бизда истиқомат қилаётган ҳар бир киши ҳисобига 8 сотихдан ҳайдаладиган майдон қолди. Ҳозирда 3-4 йилдан буён муттасил аҳолига уй-жой ва томорқа учун 100-120 гектардан ер ажратиляпти. Одамларга ерни бўлиб бердик, дейлик. 30-40 сотихданми тақсимланар. Энди шунчагина арзимас ерда етиштирилган ҳосилнинг фойдасидан харажати ортиб кетмайдими? Беш гектарли бир пайкалда 10 киши деҳқончилик қилиб бир хил экин экмайдику, сув, механизацияни қўллаш қандай кечади бу ҳолда? Буни ҳам қўя турайлик. Ер бўлиб берилиб, колхоз ва совхозлар тугатилган тақдирда шу ерда яшаётган одамларга ичимлик суви, табиий газ, электр энергия, йўл ва кўприклар қуриш ва бошқа ижтимоий таъминотни ким яратиб беради? Ўйламай қилинаётган таклифлар, яхши таҳлил қилинмаган ғоялар ортида одамларни безовта қиладиган, чўчитадиган ғаразли мақсадларни кўзловчи ниятлар ётгани сир эмас. Шунинг учун аравани турли томонларга тортқиламай, аҳилликка интилишимизни давр тақозо этяпти.

Вилоятимиз, хусусан барча деҳқонларимиз олдида катта масъулиятли юмушлар турибди. Бободеҳқон омон бўлса уларнинг ижросини топади. Ноумид шайтон, балки келгуси йилда ҳозирги кунимизга қараганда яхшироқ, тўкинроқ яшармиз. Бу эса бугун ҳар биримиз ўз ўрнимизда қандай меҳнат қилишимизга боғлиқ.

**М. ШЕРБУТАЕВ,**
**жумҳуриятда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими, «Совет Ўзбекистони» рўзномаси таҳрир ҳайъатининг аъзоси.**

### ИШБИЛАРМОН КИШИЛАР ХИЗМАТИДА

**● Тошкент почтамтида янги хизмат тури — электрон почта жорий этилди.**

Телеграммалар қабул қилинадиган дарчадан тадбиркорларнинг ўзаро ёзишмалари, шахсий хат-хабарлар ҳам қабул қилинади. Алоқа ходимлари телефакс орқали зарур ҳужжатларни мамлакатнинг исталган ерига етказибгина қолмай, айни вақтда, буюртмачининг хоҳишига кўра чет эллардаги мижозлар билан ҳам боғланадилар. Корхоналар, ташкилотлар, кооперативлар, шунингдек, хусусий кишилар почтамт билан ана шундай хизмат турига узоқ муддатли шартномалар тузишлари мумкин. Бундай хизмат турининг нархи ҳам унчалик қиммат эмас: телефон орқали хабардор қилиш билан ҳужжатни қабул этиш 50 тийин, одатдаги хабарни кун мобайнида ўз эгасига етказиб бериш учун эса атиги 3 сўм, зудлик билан — уч соат мобайнида етказиб бериладиган хабарлар учун эса 9 сўм ҳақ олинади.

**(ЎзТАГ мухбири).**



**● Тошкент вилоятидаги Оҳангарон нон маҳсулотлари комбинатида ишлаб чиқаришни қайта таъмирлаш ишлари қисқа муддатларда тугатилди. Иккита тегирмон техник қайта жиҳозланди. Эндиликда ўтказилган ушбу тадбирлар туфайли корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми кўпайиб, сифати бирмунча яхшиланиб бормоқда.**

**СУРАТДА: қайта жиҳозланган цехда иш қизғин.**

**В. МИЛЕНЬКИЙ (ЎзТАГ) олган сурат.**

## Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раёсатида

**(Давоми. Боши биринчи бетда).**

Янги тузилган баъзи комитетлар ва комиссиялар раисларининг шахсий таркиби тўғрисида Раёсатнинг қарори қабул этилди. Халқ депутати Э. Н. Хўжаевнинг Иқтисодий ислоҳот, бюджет сиёсати ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш комитетининг раиси; халқ депутати П. Қ. Қодировнинг Халқ таълими, фан ва маданият комитети раиси; халқ депутати Т. Ҳайдаровнинг Қурилиш, меъморчилик, уй-жой-коммунал хўжалиги ва ободонлаштириш комитети раиси ҳамда халқ депутати Ф. Н. Нажмиддиновнинг Саноат, халқ истеъмол моллари, аҳолига хизмат кўрсатиш ва савдо комитети раиси вазифасини бажаришига рухсат берилди. Депутатлардан А. Х. Тошкенбоев ва А. А. Асқаровларнинг асосий иш жойидаги масалаларни ҳал этишга кўпроқ эътибор бериш имконияти яратилиши ҳақидаги аризалари эътиборга олиниб, уларни ўзлари эгаллаб турган тегишли комитетларнинг раислари лавозимларидан озод этиш тўғрисидаги илтимоси қондирилди. Деҳқончилик-саноат мажмуи ва сув хўжалиги комитети раиси ҳамда Олий Кенгаш Раёсатининг аъзоси вазифаларини ижро этиш 382-Ворошилов сайлов округидан сайланган халқ депутати Шовкиддин Мирзаев зиммасига юклатилди. Бундан ташқари Раёсат Ошкоралик ва депутатлик одоби комиссиясининг раиси ҳамда Олий Кенгаш Раёсатининг аъзоси вазифаларини 102-Салор сайлов округидан сайланган халқ депутати Эркин Турдиевич Шайхов зиммасига бир овоздан юклади.

Раёсатнинг ушбу қароридан келиб чиқадиган ҳамда давлат ҳокимияти олий органининг ҳуқуқ доирасига кирадиган масалалар Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг навбатдаги сессияси тасдиғига киритилади.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Котибиятининг девони тузилишини такомиллаштиришга оид тадбирларни ҳам амалга ошириш зарур деб топилди.

Раёсат мажлисида ўртоқ Н. Р. Ҳамроевнинг «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ирригатор» фахрий унвонини тиклаш тўғрисида қарор қабул этилди.

Ўзбекистон ССР Халқ назорати комитетининг 1991 йил июль-декабрь ойларига мўлжалланган иш режалари тасдиқланди.

*● Бозор иқтисодиёти ва ҳаёт*

# МАҚСАД — ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ

**Жиззах — йирик иқтисодий потенциал ва тез ўсиб бораётган меҳнат ресурсларига эга бўлган вилоятлардан бири. Бу ерда кейинги йилларда аҳолини иш билан таъминлаш муаммоси босқичма-босқич ҳал этилмоқда. Ҳўш, бунга қандай эришиляпти! Аҳолини ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилишдаги тажрибалар нималардан иборат! Бу ҳақда Жиззах вилоят меҳнат ва ижтимоий масалалар бошқармасининг бошлиғи С. ХОЛМАТОВ жамоатчи мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди.**

— Аввало, шуни айтишим керакки, — деди Соли Холматович, — биз бошқарма таркибини давр талабларидан келиб чиққан ҳолда бутунлай қайта қурдик. Ишга жойлаштириш ва касбга йўналтириш марказлари, иш билан таъминлаш бюролари тузилиб, вилоятдаги барча районларда ҳамда Жиззах шаҳрида улар фаолият кўрсата бошлади. Бу марказ ва бюролар хўжалик ҳисоби асосида иш юритмоқда.

Эндиликда ишга жойлаштириш масалаларини самарали ва тўлиқ ҳал қилиш, ишчи кучига бўлган талаб ва эҳтиёжни аниқ тартибга солиш, фуқароларнинг касб тайёргарлиги ва қайта тайёргарлигини ўтказиш ҳамда ишсизларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида жойларда меҳнат биржалари ташкил этдик. Ўзига хос меҳнат бозорига айланган бу биржалар ишга жойлаштириш, касб ўқуви ва қайта тайёрланиш имкониятлари ҳақида аҳолини аниқ ва тўлиқ ахборотлар билан таъминлайди. Бундан ташқари улар ҳудудлараро меҳнат ресурсларини тақсимлаш, бошқа жойга бориб ишлашни хоҳлаган фуқароларнинг кўчиши ва ишга жойлашишини таъминлаш масалаларини ҳал қилишда ҳам ёрдам беради.

Ўтган йили вилоятда «Иш билан таъминлаш» дастури ишлаб чиқилди. Жойларда унда белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун тегишли ишлар бошлаб юборилди. Жумладан, 1990 йилнинг 1 мартигача қадар шаҳар ва қишлоқларда уй ва ҳовлиларни айланиб, ишга жойлашиш ниятида юрган кишиларнинг рўйхатини олдик. Бундай ишсиз фуқаролар 40 минг кишини ташкил этди. Ушбу рўйхатга асосланиб, шаҳар ва қишлоқларда аҳолини иш билан банд этишнинг беш йилга мўлжалланган аниқ режалари белгиланди.

Дастурда қайси маблағ эвазига ва қандай қилиб меҳнат ресурсларининг ўсишини мавжуд иш ўринлари билан тенглаштириш, бозор муносабатларидан келиб чиққан ҳолда кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашни йўлга қўйиш масалалари ҳам ҳисобга олинди. Айниқса, биринчи навбатда ёшларни ишга жойлаштириш лозимлиги қатъий таъкидланди. Бу йўналишдаги дастлабки вазифа ҳунар-техника таълими системасини қайта қуришдан иборат бўлади. Зотан, вилоят халқ хўжалигини кадрлар билан таъминлашда ҳунар-техника билим юртларининг роли катта. Шу йилнинг биринчи январигача бўлган маълумотларга кўра, вилоят ҳунар техника билим юртларида 6 мингдан зиёд ёшлар таълим олишмоқда. Беш йил мобайнида ўнлаб мутахассисликдаги 20 минг ишчи тайёрлаш кўзда тутилган.

Ўтган йилларда бу соҳада яхши бир тажриба бор эди. Автотранспорт ҳайдовчилиги, автослесарлик, моторист ва электр пайвандловчилигига қизиққан ёшларни РСФСРнинг Нижний Новгород вилояти ҳунар-техника мактабларига шартнома асосида ўқишга юборардик. Лекин 1991 йилдан бошлаб улар кадрлар тайёрлашда ёрдам беришдан бош тортишди. Эндиликда бундай ихтисосдаги кадрларни ўзимизда етиштириб чиқишга тўғри келяпти. Шунинг учун ҳам ҳунар-техника мактабларини тажрибали ўқитувчилар билан мустаҳкамлаш чораларини кўряпмиз. Ҳозир жумҳурият техникум ва олий ўқув юртларида шу мақсадларда вилоят учун 9 та ихтисос бўйича 45 нафар ўрта махсус, 68 нафар олий таълим мутахассислари тайёрланмоқда.

Вилоят дастури 1991—1995 йилларда ишлаб чиқариш соҳасига 90 мингдан зиёд кишини жалб қилишни кўзда тутади. Бу масалани ҳал этишда халқ хўжалигининг турли тармоқларида янги иш жойлари ташкил этишга эътибор қаратилади. Шу ўринда бир нарсани айтиш зарур: қаердаки янги корхона, цех ва филиал очишга ҳаракат қилинса, ўша жойда меҳнат ресурсларини ишга жойлаштириш осон кечади.

Биргина мисол. Дўстлик районида дон маҳсулотлари комбинати ишга туширилиб, 200 дан зиёд ишчи ва инженер-техник ходимлар ўз иш жойларига эга бўлишди. Бошқа районларда ҳам саноат комбинатлари, кичик қайта ишлаш заводлари, маиший хизмат пунктлари қурилиб, ишсиз аҳоли ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилиняпти.

Жиззах трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси Маржонбулоқ, Зомин ва Зарбдорда ўз филиалларини ташкил этишни мўлжалламоқда. Тошкент асбобсозлик заводи эса Бахмал районида ўз филиалини очишга қарор қилди. Хуллас, бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Айни пайтда ноишлаб чиқариш соҳасида фойдаланишга топширилаётган объектлар ҳам қўшимча ишчи ўринларини барпо этишга хизмат қиляпти. Ўтган беш йилда бу соҳада меҳнат қилаётганлар сони 40 фоиз ошиб, 93 минг кишига етди.

Бизда ўрганса бўладиган яна бир тажриба бор. «Иш билан таъминлаш» дастурини бажариш учун ноанъанавий усуллардан кенг фойдаланяпмиз. Яъни ёш болали аёллар учун уй меҳнати, якка меҳнат фаолияти, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб бериш учун шартнома муносабатлари, халқ амалий санъати намуналарини тайёрлаш ва бошқа ҳунармандлик ишлари йўлга қўйилмоқда. Бундай иш билан шуғулланаётганларга меҳнат дафтарчаси берилиб, пенсия ёшига етганда бу фаолият ҳам ҳисобга олиняпти.

Албатта, аҳолини иш билан таъминлашда муаммолар анчагина. Маҳаллий саноат корхоналарида, маиший хизмат, матлубот кооперацияси ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида ҳали имкониятлардан тўлиқ фойдаланилгани йўқ. Жумладан, смена коэффицентини ошириш, филиаллар, цех ва устахоналар ташкил қилиш, ёрдамчи хўжалик ва пуллик хизматни ривожлантиришга эътибор суст. Бошқа турдаги салбий кўринишлар ҳам бор.

Расмий маълумотларга кўра, вилоятда 1,5 минг бўш иш ўринлари мавжуд. Масалан, биргина Жиззах шаҳар саноат корхоналарида 817 та иш ўрни бўш турибди. Бироқ ишсизлар буни эгаллашга шошилишмаяпти.

Ҳўш, бунга сабаб нима? Аввало, кишиларни бу ерлардаги меҳнат шароити, иш ҳақи қониқтирмайди. Биз шаҳардаги сут заводи ва гўшт комбинатлари фаолияти билан танишганимизда, ишчилар ўта оғир қўл меҳнати билан шуғулланаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Бу — кўпчиликнинг кўнглини ишдан совутмоқда, кадрлар қўнимсизлигига сабаб бўлмоқда.

Бироқ биз қўл қовуштириб турганимиз йўқ. Жумҳуриятда биринчи бўлиб ишсизларга 60 сўм миқдорида вақтинчалик нафақа тўлашни жорий қилдик. Ҳисобларга кўра, республика ва маҳаллий бюджетдан ажратиладиган ушбу нафақа миқдори 2,5 миллион сўмдан ошиб кетади.

Аҳолини иш билан таъминлаш масалаларини ҳал қилишда бизга вилоят партия, совет ва хўжалик ташкилотлари яқиндан ёрдам беришяпти. Шу боис бу борадаги тадбирларимиз асосан муваффақиятли амалга оширилмоқда. 1986—1990 йилларда вилоятдаги меҳнат ресурслари 61,2 минг кишига кўпайди. Худди шу давр мобайнида 55,8 минг кишини халқ хўжалигининг турли соҳаларига жалб қилдик. Айниқса, ўрта мактабни битирган ёш йигит-қизлар, армия хизматини ўтаб қайтган ёшлар биринчи навбатда иш билан таъминланди.

Эндиликда бу йўналишдаги тадбирларимизни янада кенгайтириб бормоқдамиз. Бизнинг яқин келажакдаги мақсадимиз — вилоят аҳолисини зарур даражада иш билан таъминлаб, ишсизлик муаммосининг ҳал этилишига муносиб ҳисса қўшишдан иборат.

**И. АҲМЕТОВ ёзиб олди.**

